

«Мотуридийлик таълимоти ва ҳозирги замон» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди



19:30 / 17.06.2021 2004


Жорий йилнинг 16 июнь кунини «Мотуридийлик таълимоти ва ҳозирги замон» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда Миср Араб Республикаси, Иордания, Туркия, Германия, Швеция, Франция, Босния ва Герцеговина, Россия, Малайзия, Қирғизистон, Қозоғистон, Афғонистон каби ўндан зиёд давлатлардан мотуридийшунос ва исломшунос олимлар қатнашди.

Конференция давомида иштирокчилар томонидан Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти моҳияти: мотуридий алломаларининг ушбу таълимот ривожигаги ўрни, мотуридийлик таълимотининг мўътадилликни

таъминлашдаги аҳамияти, Имом Мотуридий илмий меросини ўрганиш ва мотуридийлик таълимотида ақидавий масалаларнинг ёритилиши юзасидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар сингари муҳим илмий масалалар муҳокама қилинди.

Image not found or type unknown



Тадбир давомида Марказ томонидан нашрга тайёрланган Имом Мотуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон» 29-жузи, Мулла Али Қорийнинг «Шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар», Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя», «Юртимиз алломалари рукни остида 10 та рисола», «Халқаро ислом ташкилотлари», «Мутаассибликка қарши мўътадиллик: метод ва таҳлиллар» «Долзарб раддиялар», «Ислом ниқобидаги мутаассиб гуруҳлар» каби бир қатор китоблар, шунингдек, «Мотуридийлик» илмий-маърифий журналининг нишона сони тақдимоти ҳамда талабалар ўртасида «Имом Мотуридий издошлари» рукни остида ташкил этилган

танловнинг энг яхши мақола, энг яхши видеоролик, энг яхши инфографика номинациялари бўйича ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.